

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Сабирова Дилдора Алмахаммадовна

Лойқа сувларни тозалашда механик аралаштиргичлар ишини ростлаш
5А580402 – «Сув таъминоти, канализация сув Ресурсларини муҳофаза

қилиш ва улардан самарали фойдаланиш»

мутахассислиги

**« Сув таъминоти, канализация сув Ресурсларини муҳофаза қилиш ва
улардан самарали фойдаланиш » бўйича магистр**

даражасини олиш учун

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга
рухсат берилди.

«Сув таъминоти ва канализация»
кафедраси мудири

т.ф.н. доцент А.Мирзаев _____

Илмий раҳбар:

т.ф.н. доцент А.Мирзаев _____

М.Ў.

САМАРҚАНД – 2012

Мундарижа

Кириш	2
I Боб табиий лойқа сувларни реагентлар билан арлаштиришда аралаштиш жараёнида теоритик асослари	14
1.1 Табиий лойқа сувлар билан реагентлар аралаштиш жараёнини вазибалари.....	14
1.2 Табиий лойқа сувларнинг тозалашнинг асосий услуби.....	14
1.3 Табиий лойқа сувларнинг тозалаш технологик схемаси.....	16
1.4 Реагентларни тайёрлаш.....	19
II боб. Механик арлаштиригичларни гидродинамик ва геометрик характеристикаларини ўрганиш	23
2.1 Ўзбекистонда табиий лойқа сувларни тозалашнинг асосий муоммолари..	23
2.2 Табиий лойқа сувларни тозалашнинг замонавий технологиялари.....	26
2.3 Табиий лойқа сувларни реагентли услуда тозалаш.....	31
2.4 Табиий лойқа сувини тозалашда қўлланиладиган коагулянт ва флокулянт.....	32
2.5 Реагентларни тайёрлаш.....	36
III Боб Механик арлаштиригичларни ишини технологиясини ўрганиш	
3.1 Реагентлар улушларини оптималлаштириш	40
3.2 Реагентларни табиий лойқа сувлар билан арлаштириш.....	41
3.3 Муаллақ моддаларни сувдан тиндиргич ва филтрларда ажратиш.....	44
3.4 Табиий лойқа сувларни тозалаш жараёнини тажриба асосида тадбиқ қилиш.....	47
3.5 Табиий лойқа сувларни реагентлар ёрдамида коагуляциялаб тозалаш.....	49
Хулоса	67
Адабиётлар руйхати	69
Илова.	

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиёти асосларининг бозор муносабатларига асосланиши жамиятимизнинг ривожланиши, ундаги иқтисодий ва ижтимоий таркибий тузилишларида кескин узгаришга сабаб бўлди.

Республикамизнинг иқтисодий ривожланишининг бозор иқтисодиётида II босқичи, ишлаб чиқарилишни кичик корхоналарда, микро фирмалар ва фермер хўжаликпаридида ташкиллаштириш ва уларда «эгиловчан» технологияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган.

Мамлакатимизда саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши сув истеъмолини оширади ва шунга мос ҳолда фойдаланиш жараёни учун табиий лойқа сувлар миқдори ошади, бу эса ўз навбатида атроф-муҳитга санитар-экологик хавф туғдиради.

50-моддада эса «Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб ёзилган.

54-моддасида ўқтириладики «Мулқдор мулкига ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулқдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган. [1;2;3]

Булардан қурилиб турибдики, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва қурилишни олиб боришда, пайдо бўладиган табиий лойқа сувларни атроф-муҳитга зарар етказмаслигини таъминлаш зарур. Бу масаланинг халқ хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичи долзарблиги уз мулкларини тезроқ қупайтириш пайида бўлиб, бор имкониятларини жараённинг иқтисодий томонига сарф қилишиб, экологик ва ижтимоий томонини иккинчи даражага суриб қўядилар. Бу қаралаётган масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчи тамондан, ҳозирги

пайтда табиий лойқа сувларни тозалаш иншоотлари ривожланаётган корхонапар учун бироз қимматлик қилади.

Шу сабабдан, табиий лойқа сувларни тозалаш ва зарарсизлантиришнинг кам ҳаражатли, фойдаланишда қулай ихчам қурилмалар ва технологияларни яратиш ўта долзарбдир.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига, ўтиш натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги корхоналар пайдо бўлмоқда. Уларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда сув керак бўлади, сувдан фойдланиш натижасида сувнинг ифлосланиши, яъни табиий лойқа сувлар пайдо бўлади. Бу табиий лойқа сувларнинг миқдори ва таркибий сифат кўрсаткичлари турлича булишлиги табиийдир. Бу табиий лойқа сувларнинг таркибида ҳар хил улчамли, органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалар мавжуд. Шу сабабли, бундай таркибли табиий лойқа сувларни тозалаш учун ихчам, уз-узини тозалай оладиган, фойдаланишда қулай ва ишлаши ишончли булган қурилмаларни ишлаб чиқиш мамлакатимиздаги экологик ҳолатни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммодир.

Табиатнинг экологик мувозанатини сақлаш, очиқ сув хавзаларини турли хил ифлосланишларини олдини олишда табиий лойқа сувларни тозалашнинг сифатини ошириш хал қилувчи аҳамиятга эга.

Табиий лойқа сувларни тозалашда механик, ва физик-кимёвий усуллардан фойдаланилади. Тозалаш усулларини ва иншоотларини танлашда тозалаш даражаси, сув ўтказиш қобилияти, чукмаларга ишлов бериш усуллари, табиий лойқа сувларнинг таркиби, маҳаллий шарт-шароитлар ва иқтисодий кўрсаткичлар инобатга олинади.

Одатда ишлатилиб келинадиган табиий лойқа сувларни тозалаш технологияси коллоид улчамга эга ифлосликларни, коллоид ва эриган ҳолдаги моддаларни ажратилишини кузда тутди. Бу кетма-кетлик тозалаш учун қулай шароит яратади. Шунинг учун ҳам ўрта ва катта тозалаш шахобчаларида шартли равишда панжаралар, қумтутгичлар, тиндиргичлар

қўлланилади. Хар бир услуб узига хос тозалаш қобилиятига эга. Масалан, механик услуб ёрдамида фақат йирик улчамга, хажмга эга ифлосликларни ажратиш мумкин, биологик иншоотларда эса коллоид ва эриган органик моддалардан тозалаш мақсадга мувофиқ. Табиий лойқа сувлар бевосита биологик иншоотларда тозаланиши катта харажатлар талаб қилади.

Механик аралаштиргичларни қўллаш ёрдамида табиий лойқа сувларнинг КБЭ сани 15-20 г/м гача тушириш мумкин. Тозалаш даражасини бундан ҳам ошириш учун сувларни филтрларда, биологик хавузларда ёки бошқа иншоотларда қўшимча ишлов бериш лозим бўлади.

Табиий лойқа сувларни тозалаш шаҳобчасида иншоотларнинг жойланиши - ажратилган майдондан самарали фойдаланишни, келажакдаги ривожланишни, турли иншоот ва биноларни бирлаштиришни, муҳандис тармоқларни қисқартириш, табиий лойқа сувларни узи оқарлигини таъминлаш лозим.

Табиий лойқа сувларни тозалаш янги шаҳобчаларини қуриш ва фаолият курсатаётганларини реконструкция қилиш, фойдаланишда қулай, ишлаши ишончли бўлган конструкциялар қўллаш талаб қилинади.

Табиий лойқа сувларни тозалашнинг анъанавий шаклида, яъни йирик ўлчамли ифлосликларни гидравлик аралаштиргичлар, филтрлар бирламчи тиндиргичлар ёрдамида ажратиш меҳнатни кўп талаб қилади ва иқтисодий жиҳатдан қимматга тушади. Табиий лойқа сувларни тозалашнинг бу классик технологияси, фан ва техниканинг жадал суръатлар билан

ривожланиши сабабли, замонавий талабларни қаноатлантирмай қўйди. Чунки бу услубда табиий лойқа сувларни тозалаш жуда катта иншоотларни қуриш ва уларни эксплуатация қилиш учун катта миқдорда электроэнергиясини сарфлаш ҳамда иншоотларни ишлатиш учун юқори малакали мутахассислар керак бўлади. Хозирги пайтда уларнинг урнига янги замонавий технологиялар реагентли услубларга асосланган ихчам қурилмаларни қўллаш табиий лойқа сувларини тозалаш амалиётида кенг қўлланилмоқда.

Муоммонинг ишлаб чиқилиш даражаси

Кейинги пайтларда ривожланган мамлакатларда, табиий лойқа сувлар таркибидаги турли хил ифлосликларни ажратиш мақсадида тайёрланиш жихатдан осон, ихчам ва фойдаланишда қулай бўлган хар хил конструкцияси реагентлар қуллаш, уларни аралаштириш, юпқа қатламли тинитгичларда тиндириш, зарурий холларда филтрлаш усулларини қўллаб сувдан қайта фойдаланиш имконини яратувчи технологиялар ва қурилмалар кенг қўлланилмоқда.

Табиий лойқа сувларга ишлов беришнинг классик, яъни, тўлиқ реагентли услуби бу механик тозаланган сувларни микроорганизмлар ёрдамида табиий ёки сунъий иншоотларда тозалашга асосланган. Бу усулда табиий лойқа сувларни тозалаш учун нисбатан анча йирик иншоотларда, узок вақт давомида тозалашга туғри келади, тозаланиш самараси кўпчилик холларда замонвий санитар - экологик талабларни қаноатлантираолмайди. Бу усулда саноат корхоналарининг айримлари табиий лойқа сувларни умуман тозалаб булмайди. Марказлаштирилган сув таъминоти тизими учун мўлжалланган бўлган холларда бу услубда тозаланган табиий лойқа сувлар катор қийинчиликларни туғдиради. Чунки бу холларда тозаланадиган сувнинг тозаланиш даражасига юқори талаблар қуйилганлиги сабабли, уларни қаноатлантириш учун иккинчи ва учинчи пағонали тозалашлар қўлланишига туғри келади, табиийки, бундай холат табиий лойқа сувларни тозалашнинг харажатларини кескин кўпайтиради ва иқтисодий жихатдан қимматга тушади.

Табиий лойқа сувларни тозалашнинг замонвий усуллари бу классик тозалаш услубидан фарқли равишда жадал тезлик билан амалга ошириладиган реагентли ёки физико-кимёвий усулларни қўллашга асосланмоқда.

Бу услубнинг классик услубга нисбатан афзалликларидан бири - табиий лойқа сувини тозалаш жараёни жуда тез ва исталганча юқори даражагача тозалаш имкониятига эга. Капитал қурилиш учун моддий маблағлар сарфи тўлиқ реагентли усулдагига нисбатан жуда кам, табиий лойқа сувни тозалаш жараёнини автоматлаштириш осон ва қурилманинг узи

ўта ихчам, уларни завод шароитида тайёрлаш имконияти борлиги билан ажралиб туради.

Табиий лойқа сувларни реагентли усулда тозалашнинг бошланганига бир асрдан ортиқ бўлиб, уни дастлаб Англияда қўллашган. Сунгра бу услуб Америка қўшма штатларида кенг тарқала бошлаган. 1945 йилда бу мамлакатда 195 та реагентли қурилмалар мавжуд бўлган. Бу пайтда 5-5,5 минг аҳолига эга бўлган аҳоли яшаш манзилгохларининг табиий лойқа сувларни шу усулда тозаланган. Реагентли усуллар дастлаб тиндиргичлардан олдин қўлланилган бўлса, кейинчалик бу усулларга қум, фаол кўмир, ион алмашиш материаллари билан тулдирилган филтрлар, шунингдек ғовакли тулдирувчилар билан юкланган махсус филтрларни қўллаш усуллари келиб қўшилишди. Бу эса табиий лойқа сувларни исталган даражагача тез ва сифатли тозалаш имкониятини яратди.

Хозирги пайтда бу усулларнинг турли хил вариантлари АҚШ, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия, Япония, Хитой каби кўплаб мамлакатларда кенг қўламда қўлланилмоқда.

Собиқ иттифоқ даврида бу соҳада дастлабки илмий изланишлар амалга оширилиб, улар асосида ЦНИИЭП муҳандислик жихозлари, Союзводоканалпроект каби марказий лойihalаш институтлари тамонидан ишлаб чиқилган унумдорлиги 6,0 — 400 000 м³/сут бўлган табиий лойқа сувларни тозалаш иншоотлари экспериментал шахобчалари лойihalаштирилди ва Литванинг Радвилишкис шаҳрида қурилди ва хозиргача муваффақиятли эксплуатация қилиниб келинмоқда.

Реагентли усулда табиий лойқа сувларни тозалаш тез амалга ошганлиги сабабли бу технологияларни рўёбга чиқариш қурилмаларининг улчамлари катта бўлмайди ва ихчамлиги сабабли уларни завод шароитида жуда қисқа муддатда тайёрлаш имконияти мавжуд.

Бу қурилмалар босимли-босимсиз режимларда ишлайди. Улар сезиларли солиштирма унумдорликка эга бўлган ҳолда ихчамлиги, технологик жараёни осон автоматлаштириш имконияти мавжудлиги, аралашмаларни сувдан чуқма-суспензия шаклида, суспензиядан қаттиқ

фазани юқори самарада ажратишлиги, тайёрланиш жихатдан осонлиги, фойдаланишда эса қулайлиги билан фарқ қилади.

Хозирги пайтда бундай қурилмалар кўпгина ривожланган мамлакатларда жумладан, Финландиянинг (УПО ва «Энсо Гутцайт» фирмалари), Германиянинг («Пассавант», «Герман Вагнер», «КХЛ Гумбольдт Ведаг АГ» ва «Крофта» фирмалари),

Буюк Британиянинг («Гленфила Кеннеди», «Брекет» ва «Контра-Шир» фирмалари), Швециянинг («Альфа - Лаваль» фирмалари), АКШ нинг («Дорр-Оливер» ва «Энсо-Бауэр» фирмалари), Италиянинг «SERNAGIOTTO» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

Бу қурилмаларнинг конструктив тузилиш ўлчамлари ҳамда, ишлаш принциплари турличадир. Уларни қўлланиш соҳаси ишлов берилаётган табиий лойқа сув ёки чуқмаларнинг таркибий тузилиш миқдори ва зарурий тозаланиш даражасига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

Бизнинг мамлакатимизда табиий лойқа сувларга ишлов беришни жадаллаштириш учун уларни реагентли усулларда ихчам қурилмалар ёрдамида тозалаш ўта долзарбдир. Бу жуда катта унумдорликка эга бўлмаган, тозалаш иншоотларининг ишчи ўлчамларини кескин камайтиради, натижада, ихчам ва сифатли тозалаш имкониятли иншоотлар ёрдамида мақсадга эришилади, катта капитал харажатларини талаб қилинмайди.

Хозирги пайтда Самарқанд Давлат Архитектура Қурилиш Институти, «Сув таъминоти ва канализация» кафедраси ва шу институтнинг Илмий тадқиқот сектори профессор-ўқитувчилари ва ходимлари билан биргаликда табиий лойқа сувларини реагентли ва физико-кимёвий усулларда тозалаш, улар асосида табиий лойқа сувларни керакли даражада ишончли тозалай оладиган қурилмаларнинг янги конструкцияларини яратиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Шунинг учун ҳам, биз мамлакатимизда ва чет давлатларда, бу соҳа бўйича бажарилган ишлар ва технологияларни ўрганиб, танқидий таҳлил қилиб чиқдик.

Мавжуд технологияларнинг авфзалликларини эътиборга олиб, камчиликларига барҳам бериб, қурилма ишлаш жараёнининг гидродинамик ҳолатидан келиб чиққан ҳолда табиий лойқа сувни тез, керакли даражада тозалай оладиган, механик аралаштиргичларни қўллаш, реагентли усулга асосланган ўз-ўзини тозаловчи фильтрловчи қурилманинг янги конструкцияси эга бўлган ихчам қурилма яратилди.

Бу тозаловчи қурилма конструкциясининг эътиборли томони шундаки, уни ҳаракатлантириш учун электродвигатели ва бу жараён унинг янги конструктив тузилиши ҳисобига амалга оширилади.

Тадқиқот предмети

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳар ва қорхоналар табиий лойқа сувларни тозалаш иншоотлари узларига юклатилган вазифани керакли даражада ёки умуман бажараолмаяпти. Кўпгина мавжуд тозалаш иншоотлари оддий сув кириб чиқувчи ҳавузларга айланиб қолишган. Чунки, бизнинг минтақамизда табиий лойқа сувларни тўлиқ тозалашда узига хос жиҳатлари эътиборга олиниши лозим. Маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб иншоотларнинг таркибий конструкцияси, жиҳозланиши ва ишлаш тартибларига маълум даражада узгартиришлар киритилмоғи лозим.

Янги тозалаш иншоотларини қуришда эса, унинг унумдорлиги, табиий лойқа сувларнинг таркиби ва сифат кўрсаткичлари, бу кўрсаткичларнинг узгариш механизмини ҳисобга оладиган янги технология яратиш, уни тадбиқ қилиш, лойihalаш буйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, тажрибалар ўтказиб, натижаларни умумлаштириш ва амалиётда қўллаш зарурати туғилди.


Бу эҳтиёжни амалга оширишда табиий лойқа сувларни физико-кимёвий усулда амалга ошириш ёки коагуляциялаш хусусиятига эга бўлган маҳаллий ашёларни қўллаш, тиндириш жараёнини интенсив амалга ошириш имкониятини берувчи қурилма-юпқа қатламли тиндиргич ва фильтрловчи ашёларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Шу сабабдан мазкур магистрлик диссертациясининг тадқиқот мавзуси табиий

лойқа сувларни реагентли механик аралаштиргичларни қуллаш орқали тозалаш технологияларини ўрганиш ҳамда бу технологияларни маҳаллий шарт шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш, яъни, табиий лойқа сувларни тозалаш амалиётига қуллашдир.

Тадқиқот ва тажрибалардан олинган натижалар асосида ихчам тозалаш қурилмалари конструкциясини яратиш ва уни турли хил табиий лойқа сувларда синаб кўриш ушбу диссертациянинг тадқиқот доирасига киради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур иш кафедрада бажарилган табиий лойқа сувларни тозалаш ва уларни ишлаб чиқаришда қайта фойдаланишга тайёрлаш буйича олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари мажмуасининг мантиқий давоми ва бир қисмидир.

Илмий изланишлар олиб борилишида мамлакатимизда мавжуд табиий лойқа сувларни тозалаш технологияларга алоҳида эътибор берилади ва иқтисодий - ижтимоий самарадорлиги улар билан таққосланади.

Лойқалиги, мг/л.



Коагулянтни дозасы мг/л.

1.1 расм Табиий лойқа сувларни реагент ёрдамида тозалашда коагулянтларни сарфини кўрсатувчи схема.

1. Коагулянтни дозасы етарли эмас.
2. Коагулянтни дозасы меёрида.
3. Коагулянтни дозасы ортикча: а) актив коагулянцияланиш даври.
б) оптимал (тўинган) коагулянцияланиш даври.

I Боб табиий лойқа сувларни реагентлар билан арлаштиришда аралашуш жараёнида теоритик асослари.

1.1 Табиий лойқа сувлар билан реагентлар аралашуш жараёнини вазифалари.

Табиий лойқа сувларни сифатини оширишда, тозалашда реагентларни сув билан арлаштириш жараёни асосий хисобланади. Бу жараён иккита талабга жавоб бериш керак: Реагентларни табиий лойқа сувлар ичида тенг бўлишини таъминлаш ва тез аралашушини тугаллаш. Биринчи талабни бажаришда расм [1.1] да табиий лойқа сувларни реагент ёрдамида тозалашда коагулянтларни сарфини курсатувчи схема биринчи зонада коагулянт дозаси етарли эмас, иккинчи зонада коагулянтнинг дозаси меъёрида ва учунчи зонада коагулянтнинг дозаси ортиқча. Одатда коагуляция икки хил бўлади: Перикнетик коагуляция- коагулянт сувга киритилгандан кейин шу захотоёқ ҳосил бўладиган жараён: Ортакинетик коагуляция-биринчи агрегатларни агрегацияси билан тугайди, натижада лойқа сувларнинг таркибида катта момиклар ҳосил бўлиши билан тугайди [9,10,11].

1.2 Табиий лойқа сувларни тозалашнинг асосий услублари

Дарёлар ва бошқа сув хавзаларида сувнинг табиий тозаланиш жараёни содир бўлади. Аммо бу жараён жуда секин амалга ошади. Саноат ёки табиий лойқа сувлар миқдори кам булган пайтларда сув хавзалари уларни табиий усулда тозалай олар эди. Хозирги пайтда, яъни табиий лойқа сувлар миқдори ва саноат табиий лойқа сувлари купайганида, табиий усулда уларни тозалаш имконияти қолмади. Шу сабабли табиий лойқа сувларни сунъий усулда тозалаш, зарарсизлантириш ва улардан қайта фойдаланиш зарурати туғилмоқда.

табиий лойқа сувни тозалашдан асосий мақсад унинг таркибидаги зарарли моддаларни парчалаш ёки бошқа усулда уларни сувдан ажратиш. Бу жараён анча мураккаб бўлиб, у саноат корхоналардаги каби ҳом ашё (табиий лойқа сув), тайёр махсулот (тозаланган сув) ва чиқинди (чукмалар) нинг иштирокида амалга ошади.

Табиий лойқа сувларни тозалаш услубларини механик, кимёвий, физико-кимёвий услубларга ёки уларнинг биргаликда қўлланишини эса комбинацияли (аралашган) услубга ажратиш мумкин. Бу услубларнинг қай бирини амалда қўллаш, хар бир ҳолатда, ифлослантирувчи моддаларнинг хоссалари ва зарарлилик даражаси ҳамда сув хавзасидан фойдаланиш тойифасига боғлиқ ҳолда аниқланади.

Механик усулда табиий лойқа сувларни тозалашнинг моҳияти шундаки, табиий лойқа сувларни панжара, турлардан утказилиб йирик ўлчамли ифлослантирувчи моддалардан ажратилади, шундан сўнг тиндиргичларда тиндирилади ва филтрланади. Бунда йирик ўлчамли ифлослантирувчи моддалар панжаралардан сизиб утказилиб, уларда тутиб қолинади, шу йўл билан бу ифлослантирувчи моддалар сувдан ажратилади. Шунингдек, бу услубга табиий лойқа сувларидаги кумларни тозалаш ёки септик, нефть маҳсулотлари, бензин ва шу каби иншоотларни киритиш мумкин. Бу услубда табиий лойқа сувларнинг таркибидаги ифлослантирувчи эрмаган моддаларнинг 60-75 % ни, саноат табиий лойқа сувларидагининг эса 95% қисмини ажратиб олишлиги мумкин.

Кимёвий услубда табиий лойқа сувларга кимёвий реагентлар киритилади ва улар сувда аралашиб сувнинг таркибидаги ифлослантирувчи моддалар билан реакцияга киришиб уларни эрмайдиган чукмалар шаклида чуқтиради ёки кўпиксимон ҳолатга ўтказиб сув юзасига қалқитиб чиқарилади. Бу усулда сувда эрмайдиган моддаларни 95 % ни, эриганларининг эса 25 % ни тозалаш мумкин.

Физико-кимёвий услубда табиий лойқа сувларнинг таркибидаги майда ва сувда эриган анорганик моддалар, тозаланади, органик ва қийин оксидланувчи моддалар парчаланади. коагуляция, оксидланиш, сорбция ва экстракция усуллари ёрдамида амалга оширилади. . Шунингдек, электролиз кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти табиий лойқа сувлардаги органик моддаларни парчалаш ва металлар, кислоталар ва бошқа минерал моддаларни ажратиб олиш. Электролитик тозалаш усули «электролиз» деб номланган иншоотда амалга оширилади. Электролиз усулини кўрғошин, мис, лак-буёқ материалларини ишлаб

чиқариш корхоналари табиий лойқа сувларни тозалашда қўллаш яхши самара беради.

Табиий лойқа сувларни ультратовуш, озон, ион алмаштириш юқори босимда тозалаш усуллари мавжуд. табиий лойқа сувларни хлор ёрдамида тозалаш яхши самара беради. табиий лойқа сувларни тозалаш методларининг ичида реагентли услуб кенг тарқалган. Бу услубнинг туб мохияти дарё ёки бошқа сув хавзаларининг биокимёвий физиологик ўз-узини тозалаш жараёнига асосланган. табиий лойқа сувларни реагентли усулда тозалашнинг бир нечта турдаги қурилмалари мавжуд.

1.3 Табиий лойқа сувларни тозалаш технологик схемасини танлаш

Табиий лойқа сувларни тозалаш технологик схемасини танлаш -унинг таркибида турли хил ифлослантирувчи моддалар борлиги, уларнинг қийматлари турлича бўлганлиги ҳамда тозаланадиган сувнинг миқдори, тозалашга келиб тушиш режими ўзгариб туриши, сувнинг тозаланиш даражасига қуйиладиган талаблар турлича булганлиги ва шу каби сабабларга кўра, анча қийин масаладир. Чунки табиий лойқа сувларни тозаланиш даражаси уни қабул қиладиган сув хавзаси ёки жой рельефи, иқлимий шароитларининг хусусиятлари ва унинг таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат қилинадиган улушига ҳам боғлиқ. Агар тозаланган табиий лойқа сув, саноатда ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш учун узатиладиган бўлса, у ҳолда сувнинг зарурий тозаланиш даражаси ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган сувнинг сифатига қуйиладиган талабларга боғлиқ бўлади. табиий лойқа сувларни техник мақсадларда қайта фойдаланишга тайёрлаш ёки очиқ сув хавзаларига оқизиш учун табиий лойқа сувларга ишлов бериш технологиясининг бирор жойда қулланилиши, бу технологиянинг техник-иқтисодий курсатгичларига ҳам бевосита боғлиқдир. Бозор иқтисодиётига асосланган жамиятда бу курсатгич катта аҳамиятга эга бўлади. Бундай ҳолларда сувдан фойдаланишнинг ёпиқ тизимларини қуллаш иқтисодий жихатдан самарали хисобланади [30-32]. Аммо хозирги пайтда замонвий технологияларни чикитсиз қилиш, жумладан, сувдан


фойдаланишнинг ёпиқ тизимига ўтиш бирмунча мураккабликка эга. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда табиий лойқа сувларнинг маълум миқдори очиқ сув хавзаларига, ёки табиий рельефга оқизилмоқда. Бундай ҳолатларда эса, ҳар иккала ҳолат учун ҳам Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат кумитаси тамонидан тасдиқланган меъёрий - раҳбарий ҳужжатлар курсатмаларининг талабларини қаноатлантириш зарур бўлади.

Табиий лойқа сувларни тозалаш учун қулланиладиган технологик жараёнлар тозаланган сувни техник мақсадларда максимал фойдаланишини таъминламоғи ва очиқ сув хавзалари ёки рельефга ташлаш миқдорини кескин камайтиришликлари лозим. Сувдан такрорий фойдаланишни ишлаб чиқаришда кенг қуллаш, ишлаб чиқаришга олинадиган янги тоза сув миқдорини камайтириш ва оқоваларнинг очиқ сув хавзалари ёки жой рельефига оқизилишини кескин қисқартириш имконини яратади. Агар табиий лойқа сувларни етарли даражада тозаланса, унда очиқ сув хавзаларининг ифлосланиши олди олинади ва уни қайта фойдаланиш учун қабул қиладиган жойларда сувнинг сифат буйича меъёрлари бузилмайди.

Табиий лойқа сувларни тозалашнинг зарурий даражаси оқова оқизилаётган сув ҳавзасининг табиий сифат курсаткичларига, ҳавзанинг гидравлик, морфологик, гидрологик ҳамда топографик хусусиятларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу сабабли ҳам табиий лойқа сувлар таркибидаги зарарли моддаларни тулароқ ажратиш ва тозалигини зарурий даражагача етказиш учун уни анча чуқурроқ тозалашга туғри келади. Бу эса ўз навбатида атроф муҳитнинг мусаффолиги, айниқса аҳоли орасида сув орқали тарқаладиган ҳар хил юқумли касалликларнинг олдини олиш ва аҳолини соғломлаштиришга хизмат қиладди. Шу сабабли ҳам мамлакатимизда бу масалаларга кейинги пайтларда катта эътибор қаратилмоқда ва табиий лойқа сувларни чуқурроқ тозалаш услублари ва технологияларини ишлаб чиқишни долзарб масалага айлантормоқда.

Коагуляциялаш табиий лойқа сувларини тиниқлаштириш жараёнини тезлаштириш ва рангсизлантириш ундаги коллоид шаклидаги органик моддаларни сувдан ажратиш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун амалга оширилади. Оддий тиниқлаштиришда кичик дисперцияли

аралашмалар ва коллоидли зарралар сувдан умуман ажралиб чиқмайди. Коагуляция жараёнида бу зарралар моноксимон тарзда катталашади ва чиқинди сифатида чиқади. Сувни коагуляция учун унга реагентлар кушилади. Купгина холларда реагент сифатида алюминий сульфата $Al_2(SO_4)_3$ кулланилади. Баъзи холларда, темир купораси $Fe_2(SO_4)_3$ ва хлорли темир $FeCl_3$ кулланилади. Сувга алюминий сульфат қўшилганида сувдаги кальций бикарбонати $Ca(HCO_3)_2$, билан узаро таъсири содир булади.



Хосил буладиган алюминий гидроксиди зарядлари амалий жихатдан зарядланмайди ($pH = 5 - 7,5$) ва шунинг учун коагуляция Ван-дер-Вальс - Лондон кучи таъсирида туташади.

Бу кучлар молекуляр табиатга эгадир. Шу билан бир вақтда гидроксид зарядлари кичик дисперсияли муаллақ зарралар билан ушлашади ва коллоид зарядлар билан коллоид зарядлар узаро бирикишади.

Шундай қилиб, зарраларнинг йириклашиши гидроксид ёрдамида содир бўлади, турли хил зарядларни битта монокга бирлашади ва узаро жипслашади.

Турли хил сувларининг қайта ишлашда коагуляция миқдори лаборатория шароитида синов коагуляция ўтказилади. Одатда у 25-100 мг/л га тенг бўлади. Муаллоқ зарралар ва сувнинг ифлослиги қанча кўп бўлса коагулянт миқдори ҳам ошади.

Сувнинг ҳарорати ошиши билан коагуляция жараёни жадаллашади. Коагуляция жараёни самарали булиши учун сувда маълум миқдорда ишқорийлик булиши лозим. Бунинг учун сувга оҳак ёки сода кушилади. Коагуляция жараёни самарали булиши учун сувда маълум миқдорда ишқорийлик булиши лозим. Бунинг учун сувга оҳак ёки сода қўшилади.

1.4 Реагентларни тайёрлаш

Коагулянтлар ишлов бериладиган сувга куруқ порошок (кукун) тарзда ёки донадор, қоришма қуринишида ёки қуйқа шаклида кушилади. Одатда коагулянтлар 2-8% ли концентрацияда эритма тарзида сувга кушилади. Коагулянтларни аралаштирилиш учун махсус аралашмага керак буладиган

баклардан фойдаланилади. Унинг юқори қисми параллелипед шаклида, пастки таглик қисми эса, пирамида шаклдаги кўринишида бўлади.

Пирамида шаклидаги таглик чегараси балландлигида вертикал деворларга ёғочдан бўлган панжара ёки темир бетонли 10 мм гула ўрнатилади. Коагулянтларни келтирилиб сиғимга тўкилганидан кейин панжарага ва сиғимни сувга тўлдирилади, шундан кейин панжара остидаги тешик қувурларга ҳаво жунатилади. Сувни интенсив ишлов бериладиган сувга керакли миқдордаги коагулянтларни кўшиш учун куйидаги турдаги дозатор меъёрлагич қулланилади:

- 1) узгармас меъёрда улушловчи; тозаланадиган сувга бир хил меъёрдаги реагент юборилишини таъминлайди;
- 2) пропорционал, тозаланадиган сувга миқдорига пропорционал тартибда реагентни юборади;
- 3) сув сифатига мос равишда, тозаланадиган сувга реагент миқдорини керакли курсаткида сақлашни таъминлаш учун қулланилади.

Бу сарфлаш сиғимида, унга бириктирилган пастдаги горизантал қувурда ва бачокда пуфак бўлади, унинг бир учи чиқувчи труба билан резина шланга билан бириктирилган бўлиб, реагент эритмаси тозаланадиган сувга утказилади. Горизантал қувурнинг кирувчи қисми тенг диаметрдаги диафрагма билан жиҳозланади. Пуфак реагент аралашмаси юзасида сузади, бу тиндирилган сувни диафрагмада ва резинали шлангни тозаланадиган сувга юборилишини таъминлайди. Реагент миқдорини диафрагма улчашни узгартириш ёки эритма сатҳи ботиш чуқурлиги буйича узгартириш йули билан узгартириш мумкин. Охакли сут дозаторга доимий тарзда ва анча кўп миқдорда юборилади. Уша сувни қайта ишлаш учун юбориладиган қисми диафрагма орқали труба қувурдан ўтади. Охакли сутнинг қолдиғи халқали лотокка куйилади ва қувур орқали гидравлик аралаштиргичга ташланади.

Диафрагманинг ўлчами узгариши билан охак меъёрини ўзгартириш мумкин ёки юкланиш чуқурлигига асосан ўзгаради. Охакли сутни сарфлаш миқдори дозаторнинг цилиндрлик идишда сақланади, бундай кириш оқимида эримаган охак зарралари муаллақ ҳолатда бўлади.

Реагентларни улушлаш, меъёрлаш ва тайёрлаш учун кулланиладиган иншоат ва ускуналар эритма ва суспензияларнинг занглаш таъсирига чидамли бўлган материаллардан фойдаланилади, чунки кўпгина реагентли кучли коррозиялаш (занглаш) хусусиятига эгадир (алюминий, олтингугурт, темиркукуни ва бошқалардир). Бундай ҳолатда ишқорга чидамли бўлган зангламайдиган чуян, винипласт, полиэтилен, резина газламали материаллар ва ёғоч кулланилади.

Аралаштиргичлар ва момиклар пайдо қилиш камералари. Тозаланадиган сувни унга узатиладиган реагентлар билан тез, тўла ва бир хилда текис ишлаш учун уни реагентлар билан мукамал аралаштириш зарур.

Аралаштиргичлар икки турга булинади:

- 1) Бунда аралаштириш оқими турбулентлаш билан амалга оширилади;
- 2) Бунда аралаштириш механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

Биринчи гуруҳга қуйидаги аралаштиргичлар киради: тешикли, тусиқли, вертикал ҳамда керакли узунликдаги қувурлардир;

Иккинчи гуруҳга куракли аралаштиргич ва маркздан качма насос аралаштиргичлар киради:

Тешикли аралаштиргич_лоток қурилишида бўлиб, учта ёки тўртта тешикли тўсиқлар билан тўсилади. Сувнинг тешиқлар орасидан оқиши натижасида оқимлар узаро қарама-қарши ҳаракатга келади, бу сувнинг реагент билан интенсив аралашшига имкон яратади. Тусиқлар орасидаги масофа лоток энига мос ҳолда кулланилади. Тешиқлар диаметри 20 — 10С' мм гача булади.

Тўсиқли аралаштиргич_тешиқлидан фарқли уларок катта оралик - ўтишли тусиқлар аралаштиргич тагида - ўртасида ва ёнлама томонларида жойлашади.

Вертикал аралаштиргичнинг юқори қисми_цилиндр шаклга эга бўлади. Реагент ва ишлов бериладиган сув аралаштиргичнинг конус шаклидаги пастки қисмига юборилади. Уларнинг аралашши юқорига (сувнинг ажратиш жойига) кутарилиш вақтида содир бўлади. Сувнинг баландга кўтарилиш билан бир пайтда сув оқимининг кенгайиши содир бўлади ва

натижада уярма хосил бўлади. Аралаштириш ҳажми сувнинг 1,5 - 2 минут мобайнидаги келиш шароитга қараб аниқланади. Сувнинг реагент билан аралашishi қувурларда ҳам содир бўлади, қайсики сув бу қувурлар орқали тозалаш иншоотига юборилади. Бундай холда реагент насос станциясининг сурувчи ёки босимли қувурларга юборилади. Бундай аралаштириш кам самарадорли булиб ҳисобланади.

Момиқлар пайдо қилиш иншоотлари_турли хил булади. Момиқлар пайдо қилишнинг гирдобли тури_цилиндрик шаклга эга булади ва одатда вертикал тулдиргичда тизилади. Реагентни унга найча орқали юқори қисмига киритилади.

Найчадан юқори тезликда чиқиб, сув аста-секинлик билан винтли гирдоб хосил қилиш орқали камера деворлари буйича унинг асосига қараб ҳаракат қилади. Бунда сув бир меъёрда аралашади, муаллақ моддалар донадор момиқлар шаклида бирикади. Камера асосида эса крест шаклидаги гирдоб сундиргич тусиқ мавжуд. Сув ундан утгандан кейин сувнинг айланиш тезлиги сунади ва у тинч ва паст тезликда тиндиргичга киради. Камеранинг балндлиги 0,9 Н га тенг. Тиндиргич чуқиш чегарасидаги камера баландлиги 0,9 Н га тенг деб белгиланади. Камеранинг ҳажми 15-20 мин давомида сувга ишлов бериш давомийлигига қараб аниқланади.

II боб. Механик аралаштиргичларни гидродинамик ва геометрик характеристикаларини ўрганиш.

2.1 Ўзбекистонда табиий лойқа сувларни тозалашнинг асосий муаммолари

Ўзбекистонда табиий лойқа сувларни тозалашнинг асосий муаммолари мамлакатимизнинг географик-минтақавий жойлашиши, иқлим шароити, геологик ва гидрогеологик хусусиятлари, дарё ёки бошқа сув хавзаларининг морфологик, гидрологик ва гидравлик ҳамда ёш мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий шарт — шароитларидан келиб чиқади.

Мамлакатимиз географик жihatдан қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштиришга қулай минтақада жойлашганлиги сабабли, бу ерда қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш корхоналари кенг тарқалган. Бу тармоқга мева ва сабзавотларни консервалаш, қуритиш, қадоклаш корхоналари ва вино заводлари киради. Бу корхоналар одатда хом ашёга яқин жойларда корхоналар, яъни, қишлоқларда жойлаштирилган ва қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳолисини иш билан банд қилишда муҳим аҳамият кашф этади.

Республикаимиз қишлоқларининг аксариятида талаб даражасида ишлайдиган табиий лойқа сувларни тозалаш иншоотларига эга булган марказлаштирилган канализация тизимлари мавжуд эмас. Шундан, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш корхоналари учун алоҳида канализация тизимлари, жумладан, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш табиий лойқа сувларни тозалаш иншоотларини қуриш зарур.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш корхоналари фаолияти учун жуда катта миқдорда сув талаб қилинади. Бу корхоналарда сув ичимлик - хўжалик, техник ва ишлаб чиқариш мақсадларида қўлланилади. Шунингдек, бу объектларда катта миқдорда юқори концентрацияли (баъзан ўта юқори, БПК > 10 000 - 25 000 мг/л) ифлосланган ишлаб чиқариш табиий лойқа сувлари пайдо булади. Бу эса корхона атрофида хавфли экологик ҳолатнинг вужудга келишига сабаб булади. Бундан ташқари, бу табиий лойқа сувларни зарурий даражада тозаланмасдан табиатга оқизилиши, атроф муҳитнинг ифлосланиши натижасида, турли хил

касалликларнинг келиб чиқишига, сув таркибини ифлослантириши, тупроқнинг агротехник ҳолатга салбий кассир курсатиш, ҳосилдорликнинг кескин пасайиб кетиши, сув хавзаларининг санитар ҳолатининг бузилишига сабаб бўлади.

Самарқанд Архитектура - Аурилиш Анститути, Илмий тадқиқот сектори олимларининг қатор йиллардан бери олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижаларининг тахлили шуни курсатадики: бу тармоқнинг куплаб корхоналарида сувдан фойдаланиш самараси жуда паст, техник мақсадда фойдаланадиган сувлар ўрнига ичимлик суви сифатидаги сувлардан фойдаланиб келинмоқда. Бунинг натижасида, биринчидан, тоза ичимлик суви захираларини камайтиради; иккинчидан, табиатга оқизиладиган ифлосланган сувлар миқдорини оширади; корхонадаги табиий лойқа сувларнинг миқдор жихатдан асосий ва энг юқори ифлосланган (фойдаланишга олинадиган сув умумий миқдорининг 70 % кўпроқ) қисми мева ва сабзавотларни дастлабки ювиш жараёнида, гидротранспорт ариғи ёки хавузларида пайдо бўлади. Бу табиий лойқа сувларни таркибидаги моддалар узининг физик - кимёвий ва дисперс ҳолатига кура, секин дисперсланиш ва эриш хусусиятига эга. Уларнинг айна бошлаш давомийлиги 14-28 саотни ташкил қилади; мева ва сабзавотларни дастлабки ювиш жараёни учун ишлатиладиган сувларнинг сифатига қуйиладиган талаблар, санитар-гигиеник жихатдан жуда юқори эмас, яъни бу жараёнда пайдо буладиган табиий лойқа сувларини ихчам қурилмаларда тез (0,5-1,0 саот) да тозалаб, шу жараённинг узида такрор фойдаланиш мумкин.

Юқорида табиий лойқа сувларини тозалашнинг жуда куп усуллари, қурилмалари ва уларнинг самарадорлиги ҳақида маълумотлар берилди. Нима сабабдан, табиий лойқа сувларини тулиқ биологик тозалаш усули бизнинг шароитимизда яхши самара бермайди? Табиий лойқа сувларини таркибининг хилма - хиллиги, тозалаш иншоотларига келиб тушиш режимининг нотартиблиги хар бир корхонанинг маҳаллий шарт-шароити асосида табиий лойқа сувни тозалаш қурилмаларини ишлаб чиқишни тақоза қилса, кичик корхоналарнинг молиявий ахволи ночорлиги чет элларда ишлаб чиқилган

замоновий табиий лойқа сувни тозалаш қурилмаларини сотиб олиш имкониятини чеклайди.

Шундай қилиб, мамлакатимизда маҳаллий шароитларга мос, ихчам ва юқори самарали тозалаш қурилмаларини ишлаб чиқиш долзарб муаммодир.

Табиий лойқа сувларини тозалаш услублари ва технологияларини урганиш ва уларни мамлакатимизда пайдо бўлаётган табиий лойқа сувларини тозалашга қўллаш имкониятини топиш мақсадида қилинган изланишлар натижалари қуйидаги хулосаларни келтириб чиқарди:

- табиий лойқа сувини тозалаш технологик схемасини танлаш - унинг таркибида турли хил ифлослантирувчи моддалар борлиги, уларнинг қийматлари турлича булишлиги ҳамда тозаланадиган сувнинг миқдори, тозалашга келиб тушиш режимининг нотекислиги, сувнинг тозаланиш даражасига қўйиладиган талаблар турлича бўлганлиги ва шу каби сабабларга кўра, анча мураккаб ва долзарб масаладир;

- Ҳозирги шароитида, мамлакатимизнинг аҳоли масканлари табиий лойқа сувларини тозалаш учун табиий лойқа сувларини тозалашнинг классик (механик, табиий ва сўъний шароитларда тўлиқ биологик) услубларини қўллаш санитар экологик талабларни қаноатлантира олмайди ва иқтисодий жихатдан узини оқлай олмайди;

- Янги аҳоли масканлари ва саноат корхоналари учун мамлакатимизда қурилиши лозим бўлган тозалаш иншоотларининг унумдорлиги катта бўлмаганлиги ва тозалаш самарадорлиги юқори булишлигини таъминлаш мақсадида маҳаллий шароитларга мос, ихчам ва юқори самарали сувни тозалаш технологиялари ва қурилмаларини ишлаб чиқиш ҳозирги кунда ўта долзарб муаммодир;

- Маҳаллий шароитларга мос, ихчам ва юқори самарали сувни тозалаш технологиялари ва қурилмаларини ишлаб чиқишнинг мақсадга мос йуналишларидан бири табиий лойқа сувларини реагентлар ёки электрокимёвий усулда тозалашдир.

2.2 Табиий лойқа сувларини тозалашнинг замоновий технологиялари

Халқ хўжалигини иқтисодий жихатдан ривожлантиришда, табиий ресурслардан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқаришда чиқитсиз технологияларни кенгроқ куллаш, атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Табиатда экологик мувозанатни сақлаш, очиқ сув хавзаларини ифлосланишининг олдини олишда табиий лойқа сувларини тозалашнинг сифатини яқинлаштириш хал қилувчи аҳамиятга эга.

табиий лойқа сувларини тозалаш янги шаҳобчаларини куриш ва фаолият курсатаётганларини реконструкция қилишда фойдаланишда қулай, ишлаши ишончли бўлган конструкциялар куллаш талаб қилинади.

Табиий лойқа сувларини тозалашнинг анъанавий шакли, яъни йирик улчамли ифлосликларни панжаралар ва бирламчи тиндиргичлар ёрдамида ажратишни куллаш меҳнатни кўп талаб қилади ва иқтисодий жихатдан қимматга тушади.


Шу сабабли, кейинги пайтларда, ривожланган мамлакатларда, бу мақсадда тайёрланиш жихатдан осон, ихчам ва фойдаланишда қулай бўлган хар хил конструкцияли, тозалаш иншоотларини, жумладан тўрсимон фильтрловчи курилмалар кенг кулланилмоқда ва механик аралаштиргичлар расм [2.1; 2.2; 2.3].

Масалан: Lido-Adriano (Италия) да бу курилманинг максимал ташлаш имконияти 105 м³/соат ва Ashit станцияси (Франция) худди шундай туғри бурчакли вариант бўлади, ВММҚ режада айлана шаклида ҳам булиши мумкин.

Табиий лойқа сувларини насос станция кутариб берадиган жойга қуйилади ва камера орқали ёмғир сувлари қумтутгичга келиб тушади, майдалагичли панжара ва радиал бирламчи тиндиргич табиий лойқа сувлардаги ёғ ва мойларни ушлаб қолиш учун флотация камерасига келиб тушади. Тиндирилган табиий лойқа сувлар оксикант — 2 га келиб тушади. Қўллаб фаол ил оксикантдан насослар орқали майдалагичли панжаралардан кейин камерага тушади ва табиий лойқа сувлар билан бирламчи тиндиргичга тушади.

Сифати буйича иккинчи тоифа станция технология схемаси 12 минг ахолиси бўлган Verzona шахри (Франция) учун ўртача соатлик сарфи 73 м/соат, максимал соатлик сарфи 216 м /соатга хисобланган. КБЭ буйича уларнинг миқдори 648 кг, ифлосликлар 1 кишига 54 г туғри келади. Схема ўзига табиий лойқа сувларни тозалаш иншоотлари қабул қилади. Табиий лойқа сувларини вертикал тиндиргичнинг цилиндр қисми диаметри 8,84 м булган, баландлиги 1 м ва пастки конуссимон қисми баландлиги 7,5 м бўлган бирламчи тиндиргичга тушади. Тиндиргичнинг умумий ҳажми 215м³, сувнинг кўринадиган юзаси 61 м², чуқманинг тушиши гидростатик босимли 150мм ли қувур орқали тушади ва автоматик бошқарилади.

Тиниган табиий лойқа сувларини оксикант-2 га тушади. «А/О Ulein» фирмаси ишлаган қабул қилиш имконияти 50 м³/кун ва ундан юқори бўлган «Blok-Rapid» реагентли тозалаш қурилмаси Ғарбий Европада кенг кулланилади. Хар қандай ҳолатларда бу қурилма 100 минг м³/кунгача табиий лойқа сувларини қабул қилиш имкониятига эга.




Расм. 2.1. Реагентларни механик аралаштиргичдаги йуналишларини ифодаловчи система.

1-Э/Л6;

2-кучли аралашши;


3-Сууюкликни реагент билан аралашинини куриниши;

4-канотли механик аралаштиргич тури N=17 ой/ми., G=45с



Расм. 2.2 "Дорр" тизимдаги аралаштиргичлар.

1-двигатель; 2-релили привод; 3-таянч; 4-канотлар; 5-реагент киритиш мосламаси.



Расм. 2.3 Аралаштиргич.

1-вертикал насос; 2-табiiй лойка сув; 3-реагентларни гомогенезация килиш тезлиги; 4-тусиклар (деворлар); 5-флокулянт ва активлаштирилган кумир бериш мосламаси.

Бизнинг мамлакатимизда табiiй лойка сувларига механик аралаштиргичларни қўллаш ёрдамида механик ишлов беришни жадаллаштириш учун турсимон, ўз-ўзини тозаловчи филтрларни яратиш, сувлар ва чукмаларга ишлов бериш амалиётида уларни қўллаш ўта долзарбдир.

2.3 ТАБИЙ ЛОЙҚА СУВИНИ РЕАГЕНТЛИ УСУЛДА ТОЗАЛАШ

Табиий лойқа сувларини тозалашнинг юқори самарасини таъминлаш учун уни тулиқ кимёвий усулда тозалашнинг узи етарли булмаётди. Шу сабабдан ҳам,бу соҳада табиий лойқа сувларини физико-кимёвий усулда тозалаш услублари кенг қўлланилмоқда. Бу борада коагуляциялаш ва флокулянтларни қўллаш усуллари кенг тарқалмоқда. Табиий лойқа сувларини реагентли усулда тозалаш етарли даражада самарали бўлиб, анча содда. Бу усулда исталган миқдордаги табиий лойқа сувларини муваффақиятли тозалаш мумкин. Коагулянтлар ва флокулянтларни биргаликда қўлланилиши бу усулларнинг янада кенгроқ қўлланилишига сабаб бўлмоқда. Бу усулларнинг самарадорлигини ошириш ва жараёни жадаллаштиришда турли қўшимча факторлардан фойдаланиш учун бу усулларни чуқурроқ ўрганиш, унинг механизмларини аниқроқ англаш ва бу жараёнда содир бўладиган ҳар хил физик таъсирларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Табиий лойқа сувларини реагентли тозалаш амалиётлари натижалари шунини кўрсатадики, бу усулда табиий лойқа сувларини тозалашда табиий лойқа сувларини тозалаш технологияларини оптималлаштириш, яъни, реагентни ишлов берилаётган табиий лойқа сувлари билан тулиқ ва текис аралаштириш ҳамда коагулянтларнинг турларини туғри аниқлашга ҳам бевосита боғлиқдир [9].

